

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари

Ж. Казбеков

2025 йил “ 2 ” май

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи
экспертлар Кенгашининг йиғилиш

3 - Баёни

2025 йил 2 май

Тошкент шаҳар

Раислик қилувчи:

Ж. Казбеков Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазири ўринбосари.

Катнашдилар:

“Farpi Hitech Engineer” унитар корхонаси,
“SHAFFOF METAN SANOAT” МЧЖ, “BLEND
MIX” МЧЖ, “UZKIMYOSANOATLOYIHA”
АЖнинг вакиллари, Экспертлар кенгаши аъзолари:
З.М.Сатторов, У.А.Содиқова, К.Бухоров,
В.В. Ши-сян, А.В. Жданов, М.С.Малышев,
Д. Маҳмудов.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг 2025-йил 16-апрелдаги 220-222-5664-сон хатда “Farpi Hitech Engineer” унитар корхонаси томонидан “Данғара тумани, Навбахор ва Увайсий маҳалла фуқаролар йиғинининг мастер режаси”га ишлаб чиқилган атроф-мухитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойиҳасига аниқлик киритиш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш;

2. Холматов Максуд Муратович мурожаатига асосан “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонасининг 2022-йил 14-феврал 04-01/10-08-257-сон ва экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотида 2022-йил 11-августдаги 03-01/11-08-1571-сон ижобий хулосаларини бекор қилиш масаласи;

3. “BLEND MIX” МЧЖнинг 2025-йил 5-мартдаги 15-сон мурожаатига асосан, 2024-йил 12-ноябр 01-02/01-2115-сон маъқулланмаган (кайта ишлашга юборилган) хулосани қонунийлигини кўриб чиқиши масаласи;

4. “UZKIMYOSANOATLOYIHA” АЖнинг 2025-йил 24-февралдаги 01/12-107-сон мурожаатига асосан, фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш масаласи.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан раислик қилувчи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари Ж.Қазбеков Қенғаш йиғилишини очиб, Тошкент архитектура-қурилиш университети, қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги кафедраси профессори З.Қатторов, Тошкент давлат аграр университети вакили Қ.Қуҳоровлар онлайн тарзда ZOOM орқали, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири У.Қодиқова Марказдан иштирок этаётганлиги ва хулоса қабул қилиш учун етарли қворум бўрлигини маълум қилиб, кун тартибини эълон қилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг 2025-йил 16-апрелдаги 220-222-5664-сон хатда “Farpi Hitech Engineer” унитар қорхонаси томонидан “Қанғара тумани, Қавбаҳор ва Увайсий маҳалла фуқаролар йиғинининг мастер режаси”га ишлаб чиқилган атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойиҳасига аниқлик киритиш ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, экспертлар Қенғашининг йиғилишда “Farpi Hitech Engineer” унитар қорхонаси вакиллари (ZOOM орқали қатнашилди) томонидан “Қанғара тумани, Қавбаҳор ва Увайсий маҳалла фуқаролар йиғинининг мастер режаси” давлат экологик экспертизасидан ўтқазиш учун тақдим этилган аризаси Марказнинг Давлат экологик экспертизасига аризаларни қабул қилиш бўлими томонидан, аҳоли қони 50 минг қишидан ортик бўлган лойиҳалаштириладиган объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан топширилмаганлиги сабабли рад этилганлиги айтиб ўтилди.

Ушбу масала бўйича, давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти А.Қданов, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ, аҳолиси қони 50 минг қишидан ортик бўлган лойиҳалаштириладиган объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экологик экспертизаси маркази томонидан ўтқазилади, агарда аҳолиси қони 50 минг қиши ва ундан қам бўлган объектларнинг (шаҳарчалар, турар жой даҳалари) шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳудудий давлат экологик экспертизаси филиаллари томонидан ўтқазилиши лозимлиги тушунтирилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти М.Қалишев, қарорнинг 58-бандига мувофиқ, агарда атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи объектлар ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узокдаги саноат майдончаларида жойлашган тақдирда, давлат экологик экспертизаси материаллари ҳар бир

саноат майдончаси учун алоҳида ишлаб чиқиладиган ва давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилишини таъкидлаб ўтди.

Ушбу масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь фикр билдириб, “Farpi Nitech Engineer” унитар корхонаси томонидан давлат экологик экспертизасига “Данғара тумани, Навбаҳор ва Увайсий маҳалла фуқаролар йиғинининг мастер режаси”ни Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарори 2-иловасига мувофиқ, лойиҳалаштириладиган объектларнинг аҳолиси сони 50 минг кишидан ортиқ бўлса, давлат экологик экспертизаси марказига агарда аҳолиси сони 50 минг киши ва ундан кам бўлса ҳудудий давлат экологик экспертизаси филиаллари томонидан ўтказилишини, шунингдек, объектлар ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узоқдаги саноат майдончаларида жойлашган тақдирда, давлат экологик экспертизаси материаллари ҳар бир саноат майдончаси учун алоҳида ишлаб чиқилиб, давлат экологик экспертизасидан ўтказиши лозимлигини таъкидлади.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан, Холматов Максуд Муратович мурожаатига асосан “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг 2022-йил 14-феврал 04-01/10-08-257-сон атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнотига ва экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотига 2022-йил 11-августдаги 03-01/11-08-1571-сон ижобий ҳулосаларини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Экспертлар кенгашида ZOOM орқали қатнашган Холматов Максуд Муратович томонидан “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига қарашли автомобилларга метан баллонлари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш цехи ҳудудида мис ва алюмин қуйиш ҳамда резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятдан маҳалла фуқаролари ва яқин ҳудудида истиқомат қиладиган аҳоли зарар кўраётганлиги, жумладан шахсан ўзини ҳам соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги билдирди.

Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти Н.Машарипов муҳокама этилаётган масала юзасидан тушунтириш бериб, 2022 йил 14 февралда “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига қарашли автомобилларга метан баллонлари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш цехи ҳудудида мис ва алюмин қуйиш ҳамда резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёноти лойиҳасига давлат экологик экспертизаси маркази томонидан 2022 йил 14 февралдаги 04-01/10-08-257-сонли ва экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотига 2022 йил 11 августдаги 03-01/11-08-1571-сонли ижобий ҳулосалари берилган. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги баёнот лойиҳада Қўқон шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги

бўлими томонидан санитария химоя минтақаси қисқартириши маълумотномаси ҳамда шу билан бирга Қўқон шаҳар ҳоқими ўринбосари, Қўқон шаҳар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, Қўқон шаҳар СЭС ва ЖСБ бошлиғи, Қўқон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи, Давронбек МФЙ раиси ва 10 нафар яшовчилар иштирокида ўтказилган ҳамда имзо ва муҳрлар билан тасдиқланган 30.09.2021 йилдаги №39-сон жамоатчилик эшитуви баённомаси тақдим этилганлигини маълум қилди.

Экспертлар кенгашида ZOOM орқали қатнашган “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси вакиллари, корхонани ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ экологик талабларга мос келиши, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича барча чоратadbирларга риоя қилишни таъкидлади.

Ушбу масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь фикр билдириб, “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси фаолиятини текшириш учун ваколатли ташкилотлар вакилларидаан иборат комиссиясини тузиб, шунингдек, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг мониторинг текширувини, шу билан бирга жамоатчилик эшитувини ўтказилиши тақлиф қилди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг тақлифини бир овоздан маъқуллашди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан, BLEND MIX” МЧЖнинг 2025-йил 5-мартдаги 15-сон мурожаатига асосан, 2024-йил 12-ноябрдаги 01-02/01-2115-сон маъқулланмаган (қайта ишлашга юборилган) ҳулосани қонунийлигини кўриб чиқиши масаласи кўриб чиқилди.

“BLEND MIX” МЧЖ, Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бўлими вакиллари ZOOM орқали қатнашган.

Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бўлими вакиллари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 104-сон қарорига мувофиқ, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри маълумотларини янгиллаб бориш мақсадида, 2020 йилда айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигининг чегараларига аниқлик киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси қошидаги Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти билан Давлат экология қўмитасининг (Экология вазирлигининг) бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигининг электрон географик хариталари яратилган, шу билан, “BLEND MIX” МЧЖга ажратилган 24 га ер

участкасидан 11 га ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигига кирганлиги аникланди, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида, Бухоро вилоят ҳокимлигига, Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Бухоро вилоят бошқармаси ва Бухоро вилоят прокуратурасига хат ёзилган ва ушбу кўриб чиқиладиган масалага аниқлик киритилганидан сўнг Экспертлар кенгашига барча тааллуқли ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим этилади.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этиладиган масалани назоратга олиб ва аниқлик киритилганидан сўнг Экспертлар кенгашига қайта тақдим этилишини ва ҳолат юзасидан фикр билдирилишини таклиф қилди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан, “UZKIMYOSANOATLOYIHA” АЖнинг 2025 йил 24 февралдаги 01/12-107-сон мурожаатига асосан, фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Лойиҳачи Лазарева О. томонидан Технопарк ҳудудида атроф-муҳитга турли тоифадаги таъсир кўрсатадиган объектлар жойлашган бўлиб, бу эса атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларнинг ташламаларни ва оқоваларни ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва экологик нормативларни белгилашни қийинлаштириши фикр билдирди. Шу билан бирга, Технопарклар ҳудудида жойлашган барча объектларни назорати ва жавобгарлиги Технопаркларнинг зиммасига юклатилиши лозимлиги таъкидланди.

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти М.Малышев муҳокама этиладиган масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон Қарори 2 иловаси 58-банди асосида, агар давлат экологик экспертизаси учун битта буюртмачи томонидан тақдим этилган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари комплекс ҳисобланса ва атроф муҳитга таъсир кўрсатадиган ҳамда битта саноат майдонида жойлашган турли тоифадаги бир қанча объектлардан иборат бўлса, давлат экологик экспертизасидан ўтказганлик учун тўлов уларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишининг юқори тоифасига тегишли бўлганида ундирилишини таъкидлаб ўтди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этиладиган масала юзасидан фикр билдириб, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тушумларни мониторинг қилиш ва ундирувга қаратиш бўлимига ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Технопарклар ҳудудида жойлашган барча объектларни назорати ва жавобгарлиги Технопаркларнинг зиммасига юклатилиши хат чиқариши лозимлиги айтиб ўтди. Мазкур таклиф кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ

муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича доимий фаолият юритувчи Экспертлари кенгаши тўғрисидаги Низомга асосан, тўпланган ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Экспертлари кенгаши қуйидагича

ХУЛОСА ҚИЛАДИ:

1. “Farpi Hitech Engineer” унитар корхонаси томонидан давлат экологик экспертизасига “Данғара тумани, Навбахор ва Увайсий маҳалла фукаролар йиғинининг мастер режаси”ни Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорига 2-иловага мувофиқ, лойиҳалаштириладиган объектларнинг аҳолиси сони 50 минг кишидан ортиқ бўлса давлат экологик экспертизаси марказига агарда аҳолиси сони 50 минг киши ва ундан кам бўлса ҳудудий давлат экологик экспертизаси филиаллари томонидан ўтказилади. Шунингдек, объектлар ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узоқдаги саноат майдончаларида жойлашган тақдирда, давлат экологик экспертизаси материаллари ҳар бир саноат майдончаси учун алоҳида ишлаб чиқилиб, давлат экологик экспертизасидан ўтказилсин.

2. “SHAFFOF METAN SANOAT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасини фаолиятини текшириш учун ваколатли ташкилотлар вакилларида иборат комиссиясини тузиб, шунингдек, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилгандан сўнг мониторинг текширувини, шу билан жамоатчилик эшитувини ўтказсин.

3. Бухоро вилоят ҳокимлигига, Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Бухоро вилоят бошқармаси ва Бухоро вилоят прокуратурасига “BLEND MIX” МЧЖ масаласи юзасидан қилинган мурожаатига аниқлик киритилганидан сўнг, Экспертлар кенгашида қайта кўриб чиқилиши белгилансин.

4. Технопарклар ҳудудида жойлашган барча объектларни юқори тоифасига мансублиги ва ҳудудида жойлашган барча объектларни назорати ва жавобгарлиги Технопаркларнинг зиммасига юклатилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тушумларни мониторинг қилиш ва ундирувга қаратиш бўлимига ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига хат чиқариши белгилансин.

5. Экспертлар кенгаши баённомаси нусхаси маълумот учун манфаатдор томонларга етказилсин.

Тошкент архитектура-қурилиш университети
Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги
кафедраси профессори



З.М.Сатторов

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот
институтини “Гидроэкология ва сув ресурсларини
муҳофаза қилиш лабораторияси мудири



У.А.Содиқова

Тошкент давлат аграр университети
Экология ва ботаника кафедраси
муdiri, доценти

К.Х.Бухоров

Давлат экологик экспертизаси маркази
Бош директорининг ўринбосари-Давлат
экологик экспертизасини ўтказиш
бошқарма бошлиғи

В.В. Ши-сян

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти

А.В. Жданов

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти

М.С. Малышев

Марказ бош юрисконсулти

Д. Махмудов